



# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 4 май, шанба, №49 (3395).



## ТИНЧЛИК – ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРА ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА БАЁНОТ БЕРДИ

Ақурда матбуот хизмати Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги Алматыда ўтадиган музокаралар жараёни ҳақидаги баёнотини эълон қилди.

“Қозоғистон томонининг таклифи билан Озарбайжон Республикаси ва Арманистон Республикаси ўртасида тинчлик шартномасини тузишга тайёргарлик кўриш мақсадида икки давлат ташқи ишлар вазирларининг музокаралар ўтказиш бўйича ўзаро келишувга эришганини олқишлайман.

Ушбу муҳим тadbирнинг Алматыда ташкил этилиши рамзий маънога эга. Чунки 1991 йил декабрь ойида МДХ давлатларининг мустақил ривожланишига асос солган ва давлатлараро чегарани белгилаш тамойилларини тасдиқлаган тарихий ҳужжат – Алматы декларацияси имзоланган эди.

Бўлажак учрашув Озарбайжон – Арманистон келишувини амалда амалга оширишга йўл очади ва яқин кунларда Жанубий Кавказда барқарор ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатилишига ёрдам беради”, дейилади ҳужжатда.

Akorda.kz.



## ҚОЗОҒИСТОНДА ҚАНЧА ЭТНИК ГУРУХ МАВЖУД?

Миллий статистика бюроси Қозоғистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи этник гуруҳлар вакиллари сонини маълум қилди.

“Қозоқлар ва русларни ҳисобга олмаганда, барча этник гуруҳлар ичида ўзбеклар ярим миллиондан зиёд. 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг сони 660,6 минг кишини ташкил этди. Сўнг украинлар (375,9 минг), уйғурлар (301,6 минг), немислар (224,3 минг) ва татарлар (219,2 минг)”, дейилади бюро маълумотида.

Озарбайжонлар – 152,8 минг, корейлар – 120,3 минг киши. Турклар – 90 минг, дунганлар – 83,9 минг ва беларуслар – 75 минг, тожиклар – 55,9 минг ва курдлар – 50,3 минг киши. Чеченлар – 34,7 минг ва поляклар – 34,6 минг нафарни ташкил этади.

Қозоғистондаги деярли ҳар бешинчи никоҳ миллитлараро никоҳ эканлигини эслатиб ўтамыз.

24.kz.

## ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

ҚРнинг ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УЧ ОЙДА 4,5 ТРИЛЛИОН ТЕНГЕГА ОШДИ



ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ МОЛИЯ ВАЗИРИ МАДИ ТАКИЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мади Такиев давлат молиясининг асосий йўналишлари, жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида республика бюджетининг ижроси тўғрисида маълумот берди: 3 ой якунларига кўра, давлат бюджетига 4,5 триллион тенгега яқин маблағ тушган.

Шунингдек, у бюджетнинг самарасиз харажатларини қисқартириш юзасидан олиб борилаётган тadbирлар ҳақида ахборот берди: жорий молиявий йил учун 300 миллиард тенгедан зиёд харажатларни қисқартириш таклифи этилди. Ушбу маблағлар юқори иқтисодий самара берадиган фаолиятларга йўналтирилади.

Шунингдек, вазир янги “Бюджет кодекси”да аксини топган бюджетни бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан кўри-

лаётган чора-tadbирлар тўғрисида айтиб ўтди.

У солиқ маъмуриятчилигидаги янгиликлар ҳақида сўз юритди – янги “Солиқ кодекси” лойиҳасида солиқ маъмуриятчилигининг хизмат кўрсатиш тамойиллари белгиланди, текширишлар сонини қисқартириш андазалари, назоратни амалга ошириш ва солиқ қарзларини ундириш юзасидан ёндашувларга ўзгартришлар киритилди.

ЕОИИнинг учинчи давлатлар

билан божхона чегарасида жойлашган инфратузилмасини замонавийлаштириш юзасидан маълумотларни тақдим этди. Лойиҳанинг амалга оширилиши божхона бекатларининг ўтказиш қобилиятини 6 бараваргача ошириш ва саёҳат вақтини 2 баравар қисқартириш, шунингдек, товар ва транспорт воситаларини кечаю кундуз онлайн назорат қилиш имконини беради. Барча назорат-ўтказиш бекатларини замонавийлаштириш ишлари 2024 йил охирига якунланади.

Вазир давлат харидлари тизимини ислоҳ қилиш режаларини маълум қилди. Унга кўра, “Давлат харидлари тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасида харид қилиш

тартиб-таомилларини соддалаштиришда расмиятчиликларни бартараф этиш, курилиш бозорини монополиядан чиқариш, барча давлат ва квазидавлат ташкилотларини харидларнинг ягона дастурига ўтказиш кўзда тутилган.

Президент давлат молияси соҳасидаги ҳолатни яхшилаш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, бюджетнинг мутаносиблигини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳани рақамлаштириш орқали солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Akorda.kz.

## ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР ҚОЗОҒИСТОНГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ КЎРСАТДИ?

Мамлакатимизда жорий этилган фавкулда ҳолат пайтида кўшни давлатлар ҳам афроғлича ёрдам кўрсатди. Қирғизистон, Туркия, Россия, Ўзбекистон ва Тожикистондан келган ёрдам улар ўртасидаги муносабатлар дўстона ва ишончли шерикликка асосланганлигининг яна бир далилидир. Бу ҳақда Jibek Joly телеканалда «Биз биргемиз!» телемарафонидан ахборот берилди.

Қозоғистоннинг қатор вилоятларини сув босган пайтда, биринчилардан бўлиб қирғиз биродарлар ёрдамга шошилишди. Улар 300 тонна озиқ-овқат ва бошқа зарур буюмлар ортлган 15та юк машинасини жўнатди. Инсонпарварлик ёрдами сув босган Ақтўбе, Атиров, Ғарбий Қозоғистон ва Қўстанай вилоятларига етказилди.

Тожикистондан курилиш материаллари ва кийим-кечакларга тўла 16та вагон етиб келди.

Ўзбекистон давлати ҳам Қозоғистонни эътибордан четда қолдирмади. Юзлаб литр ўсимлик ёғи ва кўрпачушаклар йиғиб, махсус ҳисоб-рақамга салмоқли маблағ ўтказди.

24.kz.

»»» Тadbир давом этмоқда

## 5 МЛН. ТЕНГЕЛИК ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ



Мамлакатимизнинг сув тошқинидан зарар кўрган шимолий вилоятлари аҳолисига моддий ёрдам кўрсатиш тadbирини Қарноқ қишлоғи турғунлари ҳам фаол иштирок этишди. “Юракдан-юракка” тadbир доирасида вилоят ҚХА қошидаги этномаданият бирлашмалари, Ассамблея аъзолари ёрдам қўлини чўзди.



Қарноқ қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раҳнамолигида қишлоқ масжиди намозхонлари, маҳалла фаоллари жами 5 млн. тенгелик инсонпарварлик ёрдамини юк машинасига жойлаб, Петропавл шаҳридаги жабрланганларга етказилиб берилди. Ушбу хайрли тadbирга ҳисса қўшган барча ҳамқишлоқларимизга миннатдорчилик билдирамыз. Ҳар қандай қийинчиликни енгадиган улкан куч – бирдамлик ва ҳамжихатликдир.

**Бекзод ҲАБИБОВ,**  
Кентов шаҳар маслаҳати депутати,  
Қарноқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

Тасвирларда: инсонпарварлик ёрдами уюштирилгани ҳақидаги лавҳалар.

● Обуна–2024

**Қадрли газетхон!**

“Жанубий Қозоғистон”

рўзномасига обуна бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетга обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий гурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улугулаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ХЖ орқали –  
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;  
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466**

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ 25 МАЙ КУНИ ЖАРАНГЛАЙДИГАН БЎЛДИ

Аввалроқ мамлакатдаги сув тошқинлари туфайли сўнги кўнғироқ маросими ўтказилмаслиги ҳақида айтилганди. Бу маълумотлар жамиятда муҳокама қилиниб, аҳолининг аксарияти норозилик билдирган. Шу муносабат билан ҚР Маориф вазирлигининг девон йиғилишида вазир Ғани Бейсембаев 25 май куни мамлакатдаги 186 минг мактаб битирувчиси учун ўқув йили якунига бағишланган сўнги кўнғироқ тadbирини ўтказиш юзасидан топшириқ берди.



– Ўқув йили 25 май куни якунланади. Шу муносабат билан йил давомида ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштирган 3,8 миллиондан ортиқ ўқувчи синфдан-синфга ўтказилиши керак. Ҳамкасбаримиз тавсиясига кўра, май ойида мамлакатимизда “Бирдамлик” ойланини ўтказиш режалаштирилган. Унинг доирасида “Тоza Қозоғистон”, “Яхши ишлар”, “Таътилда китоб ўқиймиз” ва бошқа тadbирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, 25 май куни мамлакатимиздаги 186 минг нафар мактаб битирувчиси учун ўқув йили якунига бағишланган сўнги кўнғироқ тadbирини ўтказишни топшираман, – деди вазир.

Учрашувда Ғани Бейсембаев фавкулдада вазиятларда кўчирилган болалар ва аҳолига руҳий ёрдам кўрсатган 400 дан зиёд мактаб руҳшунослари ҳамда 29 мингдан зиёд ўқитувчи ва таълим ходимларининг қийинчиликларга қарши курашдаги беқиёс меҳнатини алоҳида таъкидлади.

24.kz.



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

# ТУРКИЯЛИКЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИГА САРМОЯ ЖАЛБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТАНИҚЛИ ТУРК КОМПАНИЯСИ БИЛАН МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИЛДИ.



Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди Туркиянинг «Alarko Holding» компанияси вакиллари билан учрашди ва «ALSERA KZ» МЧБ директори Гюнай Гокалп билан ҳамкорлик ўрнатиш ва сармоя жалб қилиш юзасидан музокаралар ўтказди.

Бозорда 30 йиллик тажрибага эга ушбу компания Сайрам туманида 100 гектар майдонда замонавий иссиқхона мажмуасини куриб, помидор етиштирадиган бўлди. Келажакда Туркистон шаҳридаги «Tugan» махсус иқтисодий минтақасида иссиқхоналар сонини ошириб, шунингдек, ўзгача сабзавот турларини етиштиришни режалаштирмоқда. Натижада Туркистон вилоятида иссиқхоналар кўпайиб, янги иш ўринлари очилади. Вилоят ҳокими сармоядорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

– Бугун қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятига эгамиз. Туркистон вилояти юқори сармоявий салоҳиятга эга. 5 йилдан зиёд вақт мобайнида минтақага қарийб 6,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридан сармоя жалб этилди. Минтақа Марказий Осиёда тадбиркорликни кенгайтириш учун жуда қулай. Фарбий Европа – Фарбий Хитой» халқаро йўли жаҳон бозорига чиқиш учун янги имкониятлар очмоқда. Қишлоқ хўжалиги Туркистон вилояти иқтисодиётининг асосий омили ҳисобланади. Иқлими йил давомида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш имконини беради. Пахтанинг 100 фоизи ва 74,1 фоиз полиз экинлари юртимиз учун етиштирилади. Шу билан бирга, 316,8 минг тонна мева, 1168,9 минг тонна сабзавот, 247,1 минг тонна гўшт маҳсулотлари етиштирилмоқда. Иссиқхона

наларнинг 70 фоиздан зиёди вилоятда жойлашган. Минтақамиздаги асосий сармоявий марказлар – саноат минтақалари ва «Турон» махсус иқтисодий ҳудудидир. Минтақанинг афзалликларини инобатга олган ҳолда, компаниянгиз учун барқарор ўсиш ва бизнесни кенгайтириш имкониятини таклиф қилмоқчимиз. Туркистон вилояти ҳокимлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр, – деди Д. Сатибалди ва қардош турк мамлакати билан ҳамкорликда кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилганлигини таъкидлади.

Гюнай Гокалп Қозоғистоннинг салоҳияти юксаклигига тўхталди ва самарали таклифлар юзасидан ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқаётганини таъкидлади. У минтақа имкониятлари билан танишишдан манфаатдорлигини маълум қилди.

## МУАММОЛИ ИНШООТЛАР ТАЪМИРЛАНАДИ

Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев Сайрам туманига хизмат сафари билан борди. Дастлаб, «Тоза Қозоғистон» республика экологик тадбири доирасида Қўлент – Қорабулоқ автомобиль йўли бўйида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Ассамблея вакиллари, маҳаллий аҳоли ҳамда ёшларнинг ташаббусига муваффақият тилади.

Сўнг Қорабулоқ қишлоқ маданият уйи фаолияти билан танишди. Эскирган бинони тўла таъмирдан ўтказиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлашни топширди. Ҳужжатлар битгач, «Овул – эл бешиги» лойиҳаси доирасида (республика бюджетидан) таъмирлашга тавсия жўнатилади. Шунингдек, келгусида бу ерда музей очиш режалаштирилганини маълум қилди. Сафар Оқсувкент қишлоғидаги Суранши ботир номидаги 97-сонли умумтаълим ўрта мактабида давом этди. Таълим маскани иншоотининг тамал тоши қўлаштирилган ҳамда типли намунада барпо этилган. Бинода 803 нафар ўқувчи таълим олади. Видеокүзатув камералари ўрнатилган. Ушбу таълим масканини жорий таъмирдан ўтказиш учун жорий йил маблағ ажратилишига тўхталган вилоят ҳокимининг ўринбосари масала ижобий ҳал этилишини таъкидлади.

Бейсенбай Даулетули туман фуқароларининг шахсий қабулини



ўтказиб, уларнинг талаб-истакларини тинглади. Жамоат қабулида фуқаролар томонидан таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари, мол сўйиш бекатларида назоратни кучайтириш каби масалалар кўтарилди. Манкент қишлоғида жойлашган ИБ-роҳим ота номли мактаб 325 ўқувчига мўлжалланган. Бугунги кунда 647 ўқувчи икки сменада таълим олмақда. Фуқаролар аҳоли сони йил сайин ортаётгани туфайли мактаб ҳовлисида 200 ўринли янги бино куриш зарурлигини маълум қилишди.

Қорамурт қишлоғидаги Киров номли мактаб ва 1-сонли гимназия-мактабини бириктириш, спорт майдончасини барпо этиш, Қорабулоқ қишлоғида мақсадли деҳқон

хўжалиги ҳамда иссиқхона мажмуаси курилишини юритиш, ер участкасида ноқонуний қушона ва мол қолдиқларини қайта ишлаш бекати барпо этилгани юзасидан шикоятлар айтилди.

Кўтарилган муаммоларни қўл билан тинлаган Б. Тажибаев шикоятлар қўнун доирасида ўрганилиб, ҳал қилинишини таъкидлади. Масъул раҳбарларга топшириқлар берилди. Фуқароларнинг шикоятлари ва мактаб куришга доир илтимослари бўйича вилоятдаги масъул бошқармалардан махсус ишчи гуруҳи келиб, таҳлил ишларини юритадиган бўлди. Зарурат бўлса, аҳоли билан яна учрашув ўтказилишини таъкидлаб, мажлисга яқун ясади.



## ҲИСОБОТ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Шимкент шаҳар ҳокимлиги, департамент вакиллари, маҳалла, уй қўмиталари раислари, ОАВ ходимлари ҳамда 1 млн.дан зиёд аҳолини ҳаёт ва тирикчилик манбаи бўлмиш тоза сув билан таъминлаётган корхонанинг етакчи мутахассислари иштирокида ўтган йиғилишда «Сув захиралари – Маркетинг» МЧБнинг Бош директори Анарбек Урманов 2023 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

«Тоза сув – ҳаёт манбаи!» шиори остида ўтган ушбу кенгашда маърузачи «Сув захиралари – Маркетинг» корхонаси 26 йил мобайнида Шимкент шаҳри ва Сайрам туманининг қатор ҳудудлари аҳолисига сифатли хизмат кўрсатаётганига тўхталди.

Корхона ўз харажатларини ўзи қоплайдиган даражада фаолият юритмоқда. Шу давр мобайнида давлатга ўтказилган солиқ миқдори 16,2 млрд. тенгени ташкил этган.

А. Урманов 2009 йилдан эътиборан «Европа тикланиш ва тарақиёт банки» билан ҳамкорликда иш юритиш ўз самарасини бераётганлигини таъкидлади. Ҳисобот йилида 23та уйнинг эскирган сув тармоқлари таъмирланган, 40та уй подвали сув тошқинидан зарар кўрган. Эскирган қувурлар ёрилиши туфайли йўлларнинг асфальт тўшамасини қайта таъмирлашга тўғри келганлигига тўхталди.

Бу каби кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида водопровод ва оқова тизимлардаги тўзиги етган қувурлар ўзгартирилди. 2023 йилга мўлжалланган сармоявий лойиҳа бўйича режалаштирилган 7515,4 млн. тенге тў-

лиқ ўзлаштирилди. 2023 йилда диаметри 1000 мм.ли оқова коллекторининг 15 жойида авария ҳолати рўй берган.

Бугунги кунда корхона раҳбарияти тўзиги етган сув ва оқова қувурларни алмаштиришда илгор технологияларни қўлламоқда.

Сувнинг сифати талабга жавоб берадиган даражада лаборатория текширувидан ўтказилади.

«Сув захиралари – Маркетинг» МЧБ раҳбарияти ва муҳандис-техник ходимлари бугунги кунда жаҳон талабларига муносиб илгор технологиялардан унумли фойдаланиб, иш юритишлари натижасида 1 м. куб сувга кетадиган харажат Қарағанди, Петропавл, Ақтоғ ва Ўрал шаҳарларидагидан икки ҳисса арзон.

Шаҳар аҳолисининг 73,4 фоизи ҳисобот йилида ойига сув истеъмоли учун ўртача 260 тенгедан ҳақ тўлаган.

Иштирокчилар корхона раҳбарининг ҳисоботиغا ижобий баҳо беришди.

Ҳайит МУРОД.

Тасвирда: йиғилишдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

## ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ Фойдаланишга топширилди



Кентов шаҳри, Қарноқ қишлоғида фаол аҳоли ҳомийлигида барпо этилган ўйин майдончаси фойдаланишга топширилди.

Тадбирда иштирок этган Кентов шаҳри ҳокими Жандўс Тасов ва шаҳар маслаҳати раиси Қабилян Елеусизов ҳомийларга миннатдорчилик билдириб, қишлоқ ёшлари ва аҳолисини янги ўйингоҳнинг фойдаланишга топширилиши билан табриқлашди. Бундан ташқари, фаоллар бу каби лойиҳалар келажакда яна амалга оширилишини ҳам таъкидлашди.

– Давлат бизга нима беради эмас, балки мамлакатимизга нима бера оламиз, деган ақида билан ишлаш вақти келди. Мақсадимиз – усиб келаётган ёшлар қулай, зарур ўйин майдончаларида ўйнаб, соғлом турмуш тарзига риоя этишса. Биз бу билан тўхтамаймиз. Имкон қадар қишлоқ учун зарур спорт майдончаларини барпо этишда давом этамиз, – дейди Т. Шоматов.





# КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Туркистон шаҳридаги “Фараб” кутубхонасида нафақат Қозоғистон, балки Ўзбекистонда ҳам китобхонларга яхши таниш бўлган ёзувчи, шоир, таржимон ва адабиётчи ҳамюрт-олимлардан Бахтиёр Исабек, Олтинбек Олим, Баҳром Ғойиблар билан учрашув ўтди.

Вилоят ва шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари ҳамда “Улес” хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоров ташаббуси билан уюштирилган тадбирни Аҳмад Яссавий номидаги вилоят бадийи уюшмаси раиси ўринбосари Хусан Убайдуллаев олиб борди.

Мақсад – битта – ижодкорларни ва янги китоблар билан китобхонларни таништириб, мутулаага бўлган қизиқишни орттириш. Юқорида номлари

зикр этилган ижодкорлар ижод машаққати ва янги рисоалар ҳақида гапирдилар.

Жумладан, Б. Исабек ва О. Олим таниқли қозоқ шоири Ўлжас Сулейменовнинг “Азия” китоби таржимаси, ўзбек шоири Рауф Парфи шеърларидан иборат танланган асарлар китоби, “Аҳмад Яссавий ҳикматлари”, Қалдибек Сейдановнинг “Ауезов ва қардош халқлар адабиёти” ҳамда “Қозоқ халқ достонлари” китобларининг ўзбекча



нужаси билан таништирилди. Шоир Баҳром Ғойиб эса ўз ижоди ҳақида гапираркан, “Ишқнинг тумори” шеърӣ тўпламини китобхонлар ҳукмига ҳавола этди ва ижодидан намуналар ўқиди. Р. Қўчқоров ташкил этган “Китобсеварлар клуби” фаолияти ва ушбу ташаббусни вилоят миқёсида

оммалаштириш ҳақида гап борди. Бадийи ва илмий китоблар ўқилиб, баҳс-мунозаралар муваффақиятли давом этмоқда. Ҳозирга қадар клуб аъзолари 70га яқин рисоалани мутулаа қилганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Анжуманда таниқли шоирлар Эрнарар Рўзиматов, Эрки-

ной Султонова, Хурбуви Одилова, Комилжон Солибеков ва бошқалар гапга чиқишди. Шимкент, Сайрам ва бошқа туманлардан мактаб ўқувчиларининг мазкур тадбирга ташрифи юксак баҳога сазовор. Демак, тадбир китобга бўлган иштиёқни юксалтиришга хизмат қилмоқда, дея тўлиқ айта оламиз.

Бу каби мулоқот тез-тез ўтказилиши тарафдоримиз.

Қодир АҲМЕДОВ,  
шоир,

Туркистон виллоятининг  
ибратли фуқароси.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

## Маънавият



## ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИК – ШИОРИМИЗ



Шимкент шаҳридаги И. Алтинсарин номидаги болалар ва ўсмирлар кутубхонасида 1 Май – Қозоғистон халқи бирдамлиги кунига бағишланган “Тотувлиги ва бирлиги ярашган...” мавзуда тадбир ўтди.

Унда Шимкент педагогика коллежи муаллимаси Нурбуви Марзабоева, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси мухбири Зокиржон Мўминжонов, “Юртимиз жамоли” телекурсути суҳандони Шаҳзод Ҳамариддинов, Ж. Умаров номли 1-сонли болалар мусиқа мактаби мураббийлари Кўнис Алғадайли ва Абибулла Турехан, 2-сонли болалар мусиқа мактаби муаллимаси Айна Набиева, 47-сонли Т. Тажибаев номли мактаб-гимназия кутуб-

хоначилари Бибиғул Жилқибоева ва Жамила Тўқбаевалар иштирок этдилар.

Дастлаб сўз олган кутубхона директори Раушан Бабажанқизи Қозоғистон халқи бирдамлиги кунининг мазмун-моҳиятига тўхталиб, ташриф учун тадбир меҳмонларига миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, тадбир меҳмонлари ҳам элимизда 130дан зиёд этнос вакиллари ягона чанғар мактаби муаллимаси Айна Набиева, 47-сонли Т. Тажибаев номли мактаб-гимназия кутуб-

бебаҳо неъмат эканлигини таъкидлашди.

Т. Тажибаев номли мактаб-гимназиянинг “Гул қизлар” дастаси хонандалари ва Шаҳло Аҳмедова етакчилигидаги “Нўрай” рақс гуруҳининг чиқишлари, шунингдек, Шимкент мусиқа коллежи талабалари Қайсар Темирбек ва Ернур Мўлдағали ижросидаги қўшиқлар тадбирга файз киритди.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

## Очиқ дарс

### “ФАЗО ВА ФАЗОГИРЛАР”

Узоқ муддатли режа бўлими:	КОИНОТ СИРЛАРИ			
Ўқитувчининг исм-шарифи:	Алимова Умида			
Куни	05.03.2024			
Синф 5-“В”	Қатнашганлар сони: 23 ўқувчи			
Дарснинг мавзуси:	ФАЗО ВА ФАЗОГИРЛАР			
Таълимий мақсадлар:	5.1. 5.1 тингланган матн мазмунига қараб саволларга жавоб беринг, кўтарилаётган масала бўйича ўз фикрингизни билдириш; 5.4. 4.6. сифат даражалари ва қўшма сифатларнинг умумий хусусиятларини тушуниш			
Дарснинг мақсадлари	-фазо ва фазогирлар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш - сифат даражалари ва қўшма сифатлар ҳақида маълумот бериш, орфографик меъёрларга амал қилиш.			
Дарснинг бориши				
Дарс босқичлари	Ўқитувчининг иш-ҳаракати	Ўқувчининг иш-ҳаракати	Баҳолаш	Ресурслар
Дарснинг кириш қисми (5-6 дақиқа)	Ташкилий қисм: Саломлашиш. Навбатчи ахбороти. Сўз ўйини бошланади. “Коинот” сўзидан бир-бирига яхши кайфият тилайди. <b>Дарс шиори:</b> Биз бахтиёр болалар, Ўқиб билим оламиз, Фазога кўз ташлаймиз. Космосни забт этамиз. “Пазл” стратегияси орқали уйга вазифани сўраш. ҚБ	Саломлашади, ахборот беради. Ўқувчилар яхши кайфиятни ифодаловчи сўзлар айтади.  Дескриптор: 1. Уйга берилган топшириқни ўқийди; 1 балл 2. Саволларга жавоб беради. 1 балл.	Қолиплаштирувчи баҳолаш.	5-синф ўзбек тили дарслиги  Компьютер, рангли стикерлар телевизор
Дарснинг асосий қисми (30-35 дақиқа)	Янги мавзуга чиқиш. Видеолавҳа: “Фазогирлар ҳақида”. Янги мавзу. <b>Фазо ва фазогирлар “Диққат!” усули.</b> Фазогирлар ташрифи Даврамизга кирган ҳар бир космонавт ўзи ҳақида маълумот беради. <b>“Интервью” усули.</b> Ўқувчилар дарсга ташриф буюрган фазогирларга саволлар беришади. ҚБ <b>Дарслик билан ишлаш 1-топшириқ.</b> 321-машқ. Топшириқлар. 1-гурӯх. Юранинг шундай инсон бўлишида кимнинг ҳиссаси бор? 2-гурӯх. Космонавт бўлиш учун қандай фазилатлар лозим? 3-гурӯх. Сифатларни аниқланг ва матнга сарлавҳа кўйинг. ҚБ <b>“Билиб олинг” усули</b> – назария билан танишамиз. <b>2-топшириқ.</b> <b>“Ким билагон” усули.</b> <b>325-машқни бажарамиз.</b> Сифатларнинг ясалишини тушутиринг ва ёзинг. ҚБ <b>3-топшириқ.</b> Якка тартибда “Мослаштирувчи тест” ни бажаринг. Жавобларни слайд асосида текширишади. ҚБ Гуруҳларда постер кўргаш “Ер” гуруҳи Талғат Мусабоев “Ой” гуруҳи Ю.А. Гагарин “Кўёш” гуруҳи Тўхтар Абубакиров	Ўқувчилар машқ дафтарларига бугунги сана ва янги дарс мавзусини ёзадилар. Фазогирлар ҳақида маълумот олишади.  Дескрипторлар: 1. Ўқувчилар фазогирлар ҳақида маълумот беришади. 1 балл 2. Савол-жавоб ўтказишади. 1 балл. Дескрипторлар: 1. Юранинг космонавт бўлишига ҳисса қўшганлар ҳақида айтади. 1 балл. 2. Космонавт бўлиш учун зарур фазилатлар ҳақида айтади. 1 балл 3. Сифатларни аниқлайди ва матнга сарлавҳа кўяди. 1 балл  Дескриптор: 1. 325-машқни бажаради. 2. Сифатларнинг ясалишини тушутиради. Жами 1 балл  Дескриптор: 1. Тестни ишлайди. 1 балл 2. Постер ҳимоя қилишади. 1 балл	“Ракета” усули орқали	Видеолавҳа  Тарқатмалар Баҳолаш варақлари Расмлар Коинот лавҳаси
Дарснинг якуний қисми (5-7 дақиқа)	ҚАЙТА БОГЛАНИШ: Дарс якунида ўқувчилардан рефлексия олинади: “Икки юлдуз, бир тилак” Уй вазифаси: 322-машқни бажариш		“Ракета” усули	

Умида АЛИМОВА,  
Саврон туманидаги Ал-Форобий номли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

## Устоз санъаткор Б. Иброҳимов таваллудига 130 йил

### САНЪАТИМ – ФАХРИМ!

Кўҳна мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган Болташ Иброҳим ўғли (тасвирда) Чўрноқ қишлоғида 1894 йили дунёга келган. Мусиқий маълумотини Тошкент шаҳрида атоқли санъаткорлардан олган. Танбур ва дуторни маромига етказиб чертган. Халқимизнинг тўй-маъракаларида хизмати билан танилган.



1920 йили Б. Иброҳимов Туркистон шаҳрига кўчиб келиб, Яссавий макбараси атрофидаги маҳаллада яшаб, Робия ая билан турмуш қурган, саккиз фарзанд кўришган. 1925 йили ҳозирги Ҳамза номли мактабга мусиқа фани ўқитувчиси сифатида ишга жойлашади. Падари бузрукворим Тожимуҳаммад Иброҳимов билан 11 йил мобайнида мактабда ўқитувчилик қилган. Туркистонлик ёзувчи, драматург Муҳаммаджон Хайруллаевнинг Болташ Иброҳим ўғли тўғрисида “Танбур навоси” китоби чоп этилган. Тошкентдаги Муқимий театрида “Танбур навоси” сахна асари кўп йиллар муваффақиятли намоиш этилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлганлиги шонли тарих.

Б. Иброҳимов 1958 йилда вафот этган. Шогирдларидан 100 ёшли Гулсун ая ҳозир ҳаёт, атоқли санъаткор Ҳамид Мутан ўғли расом ва аскиячи бўлган. Фарзандлари – қизи Моҳира опа 77, ўғли Фозил 71 ёшда. Фозил Болташ ўғли таниқли тадбиркор. Туркистон шаҳрида “Эдем” меҳмонхонаси ҳамда ёшлар спорт мажмуаларини бунёд этган. “Жанубий Қозоғистон” газетасининг доимий муштарийси. Келгусида Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси Болташ Иброҳим ўғли хотирасига бағишлаб, ажойиб тадбир ташкил этишса, деган таклифни илгари сураман.

Илҳом  
ТОЖИМУҲАММАД ўғли,  
шифокор.

### Бизга дуоқлар ўғити керак...

- Французлар “Дунёда хунук аёл йўқ, фақат ўзига қарамайдиган аёл бор”, дейишаркан.
- Сизга узатилган ҳамма кўлни тутаверманг, чунки инсон қиёфасидаги неча шайтонлар бордир.
- Пайғамбар (с.а.в.): “То бир-биримизни, қариндош-уруғлару ёру-ошноларимизни севмагунча Жаннатга кирмаймиз”, деган экан.
- Аллоҳ севишганларнинг дуосини қабул қиларкан. (Ҳадисдан).
- Онанинг ўз фарзанди қошида бир тун мижжа қоқмай чиққани фарзанди 70 йил бедор бўла туриб ҳам уза олмайди. Она меҳри ҳамisha улугдир.
- Севара ВАФО.
- Ёмон келинлар болани онадан, акани укадан ажратиб юборяпти.
- Ҳамроқул ДАВРОНБЕКОВ.
- Ғам оламида ғамсиз яшолмайсан.
- Муҳаммад КАМОЛ.
- Тўпловчи:  
Санобар ТУРСУМЕТОВА.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти нашринг садоқатли жонқурлари, жамоат арбоби Турсунқул ака ва ижодкор Ойтўти опа Режаметовларга кудалари, жамоатчи мухбиримиз, «Қайнарбулоқ» мактаби муаллимаси Дилсўз Эргешовага қайнонаси – Тоштемир Рустамов номли мактабда узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия берган нафақадаги устоз  
Азиза ЭРГЕШОВА-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!





## Табриқлаймиз!

### Раҳимжон Ниёз ўғли Нажиповни қўшалок байрам, шукрона куни билан табриқлаймиз!

Отажоним, шу дунёда бебаҳо инсоним. Тенги йуқ қадрдоним, бахтимизга соғ бўлинг, бахту камолимизни кўринг, дадажоним!

Туғилган кунингизда,  
Мен бўлиб ёнингизда,  
Соғғаларни элтамиз,  
Муборакбод элтамиз.

Фарзандлари.

Қизим Элмира  
Раҳимжон қизи  
Аслоновани  
9 май – та-  
валлуд айё-  
ми билан  
чин юрак-  
дан қутлай-  
ман!  
Қизгинам,  
сенга мус-  
таҳкам соғлик  
тилайман, маз-  
мунли ва ҳузурли  
умр кечиргин. Оиланг



мустаҳкам, ризқ-ба-  
ракали бўлсин! Барча  
орзу-истакларингга  
етишингга тилак-  
дошман!

Умр йўлдошинг бил-  
лан фарзандлар ро-  
ҳатини баҳам кўринг-  
лар!


Эзгу тилақлар  
билан онажонинг  
Керима НАЖИПОВА.

## БИРДАМЛИК БАЙРАМИДА УСТОЗЛАР ШАРАФЛАНДИ



1 Май – Қозғоғистон халқи бирдамлиги байрами шарафига шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси тавсиясига кўра, бир гуруҳ фаол ўқитувчилар (тасвирда) Туркистон шаҳар ҳокими Н. Турашбековнинг "Ташаккурномаси" билан тақдирланди. Улар – А. Навоий номли мактабдан Маҳбуба Хўжаева, Отатурк номли мактабдан Ҳусан Султонқулов, Э. Иззатуллаев номли мактабдан Феруза Анорбоева ва Дилноза Умаровалардир. Мукофот муборак азиз устозлар!

Райимжон ҚЎЧҚОРОВ,  
Туркистон шаҳар  
ўзбек этномаданият  
бирлашмаси раиси.



### КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ БИЛИМ МАСКАНИ "САЙРАМ" ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

"Сайрам" коллежи вилоят таълим департаментининг 2007 йили 23 августдаги №0038304 АБ Давлат лицензияси асосида ташкил этилган.

Ўрта бўгин тиббиёт мутахассисларини тайёрлайдиган пешқадам таълим масканларидан бири "Сайрам" коллежи 2007 йили очилган.

Муассис – тиббиёт фанлари доктори, профессор Амирхан Баймағамбетов.

Ўтган 18 йил мобайнида коллежда 3 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди. Улар бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида меҳнат қилишмоқда.

Коллежда талабаларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Жумладан, компьютер ва стоматология хоналари, лаборатория,

мажлис залли, кутубхона, электрон кутубхона, ёпиқ спорт мажмуаси, ошхона, тиббиёт пункти, ётоқхона мавжуд. Таълим масканида тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари, профессорлар, доцентлар, олий тоифали шифокорлар дарс беришади.

Коллежда шунингдек, таълим, тиббий фанлар, соғлиқни сақлашнинг асосий соҳалари бўйича ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўлими фаолият юритади.

Ўқиш муддати  
11-синф асосида 2 йил 10 ой,  
9-синф асосида 3 йил 10 ой.

ҲУЖАТЛАР:

- 3x4 ҳажмидаги фотосурат (4 дона);
- Ўқишга кириш тўғрисида ариза;
- Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- №75 намунасидаги тиббий маълумотнома.

МАНЗИЛ: Шимкент шаҳри, Сайрам даҳаси,  
А. Темур кўчаси, 204-уй. Электрон манзил: kolledj\_sairam  
Тел.: +77013530643, +77763710371, +77471579050,  
+77479372410, +77027863920, +77078933403, +77752283130.



Т/с	Ихтисосликлар
1	09120110 Даволаш иши
2	09130100 Ҳамширлик
3	09160100 Фармация
4	09110200 Стоматология
5	09140100 Лаборатория диагностикаси

»» 1 Май – Қозғоғистон халқи бирдамлиги куни

## БИЗ ДЎСТОНА МАМЛАКАТМИЗ



1995 йил март ойида бутун дунёга мамуна, миллатлараро тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлган Қозғоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилди.

Шу муносабат билан Манкент қишлоқ кутубхонасида "1 Май – Қозғоғистон халқи бирдамлиги куни"га бағишланган «Тотувлиги ярашган элмиз» мавзусида ахборот соати ўтди. Мақсад – мамлакатимиздаги турли миллат ва дин вакилларининг бир-бирларига ҳурматини юксалтириш, тинчлик, бирдамлик ва умумий қадриятларни тарғиб қилишдан иборат эди. Ҳар йили Қозғоғистонда истиқомат қилаётган 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари муқаддас чанғароқда тинчлик, фаровонлик ва ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилаётганларини нишонлайдилар. Халқимизнинг дўстлиги ва бирдамлиги абадий бўлсин.

С. СУЛТОНМУРОВОВА,  
«Манкент-2» қишлоқ кутубхоначиси.  
Сайрам тумани.

»»Хушхабар!

## ШАҲМАТ – БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Албания давлатида 27-28 апрель кунлари шахматдан ўтган Жаҳон чемпионатида 8 ёшгача бўлган болалар ўртасида 7 ёшли Нурислон Султонхон фахрли 3-ўринни қўлга киритиб, бронза медални соҳиби бўлди.

Бу – улкан ютуқ. Шахматдан кучли ҳисобланган Ҳиндистон ва Украинадан келган тенгқурлари очко ҳисобида олдинга чиқибди, холос. Нурислон Бобур ўғли айна пайтда Туркистон шаҳридаги 15-ўрта мактабнинг 1-синфида аъло баҳоларга ўқиш баробарида сувда сузиш спортини ҳам шугулланади.

Н. Султонхон 2023 йил июнида Тошкентда ўтган Осиё чемпионатида кумуш медал, 2023 йил декабрь ойида Дубайда ўтган Осиё чемпионатида бронза медал, 2024 йил февралда ҚР чемпионатида кумуш медални қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини мағрур хилпиратган.

Нурислоннинг опаси, 3-синф ўқувчиси Аминахон ва



3 ёшли синглиси Мадинахон ҳам шахмат билан дўст тутишни танг. Зотан, шахмат – ақл бадантарбияси, дея бежиз айтишмаган.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

## ШОҲБАЙТ



"ХАЛҚ АРО ЯХШИРОҚ, ДЕДИНГ, КИМДУР?  
ЭШИТИБ, АЙЛА ШУБҲА РАФЪ АНДИН.  
ЯХШИРОҚ БИЛ АНИ УЛУС АРОКИМ,  
ЕТСА КЎПРАК УЛУСҚА НАФЪ АНДИН".

Алишер НАВОИЙ.

(Маъноси: "ОДАМЛАР ИЧИДА ЯХШИРОҒИ КИМ ДЕБ СЎРАДИНГ. СЎЗИМНИ ЭШИТИБ, ШУБҲАЛАРДАН ХАЛОС БЎЛ: ОДАМЛАРГА ФОЙДАСИ КЎПРОҚ ТЕГАДИГАН КИШИЛАРНИ ОДАМЛАРНИНГ ЯХШИРОҒИ ДЕБ БИЛ").

## КУН ҲИКМАТИ



1. АФСУСЛАР БЎЛСИНКИ, АҚЛЛИ ОДАМЛАР ОЛИЙ-ЖАНОБЛАРГА ҚАРАГАНДА ЖУДА КЎП УЧАЙДИ.

Борис ПАРАМОНОВ.

2. ЙИҚИЛГАННИ УРИШ ЯХШИМАС. АММО ХАТАРСИЗ.

Анжей СТОК.

3. КЎР БЎЛСАНГ ҲАМ КЎРНАМАК БЎЛМА.

Бобур БОБОМУРОД.



"ОДАМ ТИЛГА КИРИШИ УЧУН ИККИ ЙИЛ КИФОЯ, ЛЕКИН ТИЛИНИ ТИЙИБ ТУРИШИ УРГАНИШИ УЧУН ОЛТМИШ ЙИЛ КЕРАК БЎЛАДИ".

Расул ҲАМЗАТОВ.

»» Ҳадис

### ДАВЛАТ МОЛИ — ОМОНАТ

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан:

"(Давлат хазинасига оид) ўлжа молларига қўриқчилик қилаётган Қарқара исмли бир зот бор эди. Иттифоқо, тўсатдан вафот этди.

– У жаҳаннамдадир,– дедилар. Бу гапдан сўнг, одамнинг ашёларини текшириб кўрдилар. Ўлжадан (давлат молдан) ўмарилган бир мато парчасини топдилар".

БУХОРИЙ, ИБН МОЖА ривояти.

Бу ҳадисда давлат молига кўз тикишнинг нақадар катта гуноҳ эканига ишора бор. Давлат молида бутун халқнинг ҳаққи бор. Шунинг учун ҳам ундан ўмарилган кўп ё камлиги аҳамиятсиздир. Ҳар куни ижтимоий тармоқларда ёйинланаётган еб тўймас, халқ молини туя қилаётган раҳбарлар боқий дунёга равона бўлганларида нима қилар эканлар???

Манба: "1001 мавзуда 1001 ҳадис" китобининг 121-саҳифаси.



### ЎЗУВЧИ ЖЎРА ФОЗИЛ ҲИКМАТЛАРИ

Жўра Фозил журналистиканинг ҳарф төрүвчи, мусаҳҳих, адабий ходим каби муҳим ва инжиқ босқичларини босиб ўтгандан сўнггина кўпгина қалам олган ёзувчидир.

- Инсонлар ғамини туймаган юракдан куй-ғазал ҳам, ашъор ҳам чиқмайди.
- Ошиқлик ва шоирлик бир бутун мўъжиза, уларни бир-бирдан ажратсалар, ҳалок бўладилар...
- Муҳаббат – ўртовчи туйғу. Вужудни ёндирганда жизиллаб оғрийди...
- Ҳислар тўфонидан ларзага келмаган юрак тошдан-да қаттиқдир.
- Ҳақиқат ўлса, дунё қора кучлар салтанатига айланади.

»» Таботат

### СУРУНКАЛИ ЧАРЧОҚ СИНДРОМИ. ЭНГ ЯХШИ 2 та ТАВСИЯ.

Биз иммунитетни оширамиз ва асаб тизимини мустаҳкамлаймиз.

- Бир стакан тозаланган ёнғоқ, бир хил микдордаги асал ва лимонни майдаланг, суюқ асал қуйинг, музлаткида сақланг. 2 ҳафта мобайнида кунига 3 ош қошиқдан истеъмол қилинг.
- Янги сиқилган узум шарбатини 2 ош қошиқдан ўзингизни яхши ҳис қилгунингизча овқатдан олдин ичинг.



### САРИМСОҚ ТОМОҚ ОҒРИГИДА ЁРДАМ БЕРАДИ

● Томоқ оғриғида саримсоқдан фойдаланишнинг энг яхши усули – хом саримсоқни чайнаш ёки ундан бир бўлак олиб, 15 дақиқа давомида конфетга ўхшаб сўришдир.

● Саримсоқни ейшни осонлаштириш учун уни майдалаб, зайтун мойи ёки

асалга солиб, зиравор сифатида ишлатиш мумкин.



Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Сағрон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Кентов, Сўзёқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Тулелий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт – Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулкитбош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригонч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирүүларидаги фактлар ҳақида давлатларнинг тўғригида уқун иштироқлар, реклама ва эълон берүүлари масъулдир.  
● Фойдаланилган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.  
KZ34VRY00022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR-online» МББ Босма хонасида чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11500 нусха.

Бўғормак 1000.

Набатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.